

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХИМБАЕВ АСКАР АКРАМОВИЧ

**СИЙДИК НАЙИ ТОШЛАРИНИ КАМИНВАЗИВ ВА НОИНВАЗИВ
УСУЛЛАРДА ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимбаев Аскар Акрамович

Сийдик найи тошларини кам инвазив ва ноинвазив усулларда
жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини такомиллаштириш..... 3

Рахимбаев Аскар Акрамович

Совершенствование тактики хирургического лечения камней
мочеточника малоинвазивным и неинвазивным методами..... 24

Rakhimbaev Askar Akramovich

Improving the tactics of surgical treatment of ureteral stones using
minimally invasive and non-invasive methods..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХИМБАЕВ АСКАР АКРАМОВИЧ

**СИЙДИК НАЙИ ТОШЛАРИНИ КАМИНВАЗИВ ВА НОИНВАЗИВ
УСУЛЛАРДА ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3417 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва "Ziyonet" (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гиясов Шухрат Искандарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Кариев Саиахрор Саидаслонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Юлдашов Файзулла Юдашович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**“Миллий радиология илмий-тадқиқот маркази”
Федерал бюджет муассасининг Н.А. Лопаткин
номидаги урология ва интервенцион радиология
илмий-тадқиқот институти филиали (Россия
федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (180-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли тарқатиш баённомаси реестри).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши
қошидаги илмий семинари раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «ривожланган мамлакатларда уролитиаз билан касалланиш даражаси 5% га, инсон ҳаёти давомида буйрак тошларининг пайдо бўлиш хавфи 8-10% га етган»¹. Эпидемиологик таҳлилларга кўра, унинг тарқалиш даражаси 1% - 20% оралиғида ўзгариб туради, Швеция, Канада ва АҚШ каби турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатларда касалликни учраш ҳолатлари 10% дан юқори. Алоҳида олинган мамлакатларнинг айрим минтақаларида сўнгги 20 йил мобайнида касалланиш даражаси 37% дан ошган. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич ўртача 4,5% ни ташкил этади, аммо мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида 6,9-8,1% га етади. Сийдик тош касаллигининг (СТК) энг оғир намоён бўлиши - бу буйрак функцияси йўқолиши ва/ёки асоратланган пиелонефритнинг ривожланиши билан бирга кечиши, конкрементнинг буйрак косача-жом сегменти бўшлиғидан сийдик йўлига силжиши ва кейинги обструкцияга олиб келиши ҳисобланади, ва бунда иккала ҳолатнинг ривожланиши ҳам, тошни олиб ташлаш ёки конкрементнинг кейинчалик олиб ташлаш шарти билан юқори сийдик йўллари дренажлаш шаклида эрта ҳал қилиш чораларни талаб қилади. Сийдик найи тошларини даволашнинг кенг тарқалган усуллари билан бири ноинвазив экстракорпорал (масофавий) зарба тўлқинли литотрипсия (ЭЗТЛ/ДЗТЛ) бўлиб, унинг самарадорлиги асбоб-ускунлар, конкрементнинг ўлчами, унинг жойлашиши, бемор танасининг тузилиш хусусиятларига ва амалга ошириш усулига боғлиқдир. Ушбу омилларнинг ҳар бири ЭЗТЛ самарадорлигига таъсир қилади. Кўп ҳолларда беморларда «биринчи ва баъзан иккинчи муолажанининг етарли даражада самарадор бўлмаганлиги туфайли такрорий ЭЗТЛ ўтказишга ва баъзан эндоскопик аралашувларга мурожаат қилишга тўғри келади»². Шу муносабат билан, қолаверса жарроҳлик тактикаси бўйича консенсус йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, сийдик найи тошларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг ноинвазив ва кам инвазив усуллари такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда сийдик-тош касаллиги ривожланишида атроф-муҳитнинг алоҳида омиллари (иқлим, атроф-муҳит ҳарорати) ва касб турининг ролини аниқлаш ҳамда буйрак санчиғи ва сийдик йўли тошида ЭЗТЛ ва уретероскопия (УРС) натижаларини қиёсий таҳлил қилиш бўйича кўп марказли тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, дунё бўйлаб сийдик-тош касаллигининг тарқалиши, даволаш ва ҳаражатлар тенденцияларининг паттернлари аниқланмоқда.

Маҳаллий жарроҳликни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари урологик касалликларга чалинган беморларни даволаш натижаларини

¹Morales-Martínez A, Melgarejo-Segura MT, Arrabal-Polo MA. Urinary stone epidemiology in Spain and worldwide. Arch Esp Urol. 2021 Jan;74(1):4-14.

²Güven S, et al. Current management of renal colic across Europe and its compliance to the European Association of Urology Guidelines on Urolithiasis: a survey from the European Section of Uro-technology, European Section of Urolithiasis, Young Academic Urologists study groups. Cent European J Urol. 2022;75(2):182-190.

яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича ривожланиш стратегиясига, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан СТК ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш ва янги технологияларни қўллаш йўли билан унинг асоратларини камайтириш орқали, ушбу касалликнинг юқори клиник ва ижтимоий аҳамияти туфайли, оператив урология ва умуман тиббиётнинг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Урологиянинг ҳозирги ривожланиш даври, уrolитиазни жарроҳлик даволашнинг замонавий усуллари жорий қилинганидан бир неча ўн йиллар ўтгач, даволаш натижаларини юқори самарадорлигини сақлаб, аралашувларнинг инвазивлигини минималлаштириш муаммоларига эътибор қаратиб, хавфсизликдан сифатга ўтиш билан тавсифланади. Агар беморни сийдик найидаги тошдан ноинвазив йўллар билан ҳалос этиш имкони бўлса, тошни дистанцион майдалашга устунлик бериш керак деб ҳисобланади, чунки инвазив аралашувлардан сўнг асоратларнинг ривожланиш эҳтимоли кўпроқ. Уретероскопиядан кейинги инфекцион асоратлар, касалланиш ва потенциал ўлим сабаби ҳам бўлиши мумкин⁴. Уролитиаз билан касалланган беморларни даволашда замонавий технологияларнинг жорий этилиши билан беморларни олиб бориш тактикаси, шу жумладан сийдик найи тошлари бўлган беморларда ҳам тубдан ўзгарди. Бугунги кунга келиб, сийдик найи тошларини жарроҳлик

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони. Қонунчилик ҳужжатлари тўплами

⁴Chugh S, Pietropaolo A, Montanari E, Sarica K, Somani BK. Predictors of Urinary Infections and Urosepsis After Ureterscopy for Stone Disease: a Systematic Review from EAU Section of Urolithiasis (EULIS). Curr Urol Rep. 2020 Mar 24;21(4):16. doi: 10.1007/s11934-020-0969-2.

йўли билан даволашда, бир хил ўлчамдаги конкрементлар, уларнинг бир хил жойлашувида, турли хил усуллар масалан, ноинвазив ҳисобланган ЭЗТЛ усули ва каминвазив эндоскопик усулни қўллаган ҳолда олиб ташланмоқда. Сийдик найи тошлари билан касалланган беморни даволаш тактикаси баъзан шифокор томонидан интуитив равишда танланади, бунда кўпроқ ноинвазив усулга устунлик берилади, беморнинг хоҳиш-истаклари ҳисобга олиниб, баъзи салбий омиллар эса инобатга олинмайди. Олимлар ўртасида турли хил сийдик найи тошларини майдалаш учун мумкин бўлган максимал импульслар миқдори борасида келишмовчиликлар мавжуд.⁵ Антибактериал профилактика ички стент қўйилганда, инфекция тошлар бор ҳолларда ёки бактериурия мавжуд бўлганда ўтказилиши тавсия этилади. Бошқа ҳолларда, сийдик таҳлили нормал бўлган беморларда антибактериал терапия тавсия этилмайди.⁶

ЭЗТЛ асоратларнинг пастроқ даражасига эга, аммо шу билан бирга, фрагментларни тушиш вақти туфайли даволаш муддати чўзилиб кетади, бу ҳам кўплаб омилларга боғлиқ. Тош бўлаги билан боғлиқ асоратлар, тош тузилмаси 4-7%, буйрак санчиғи 2-4% ва 21-59% частота билан резидуал фрагментларнинг ўсиши кўринишида намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, асоратланган пиелонефритнинг ривожланиши кўринишидаги инфекция асоратлар ҳам кузатилиши мумкин, уларнинг жиддий намоён бўлиши 1-2,7% ҳолларда уросепсис шаклида кечиши мумкин⁷. Сийдик найи тоши ҳақида гап кетганда, кам инвазив эндоскопик контактли литотрипсия ёки ретроград ва антеград ёндашувли литоэкстракция усули ҳам кенг қўлланилади. Кириш(ёндашиш) турининг трансуретрал ёки перкутан бўлиши тошнинг ўлчами, локализация даражаси, сийдик найининг маълум бир қисмида жойлашганлик масофаси ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқдир. Контактли уретеролитотрипсиянинг энг самарали усули бу гольмий тизимидир (Ho:YAG). Ушбу муолажанинг ижобий томони шундаки, даволаш даври жуда қисқа, чунки тошни майдалаш амалиёти сийдик найида жойида амалга оширилади ва барча бўлақлар буткул олиб ташланади, баъзи тошлар, агар уларнинг ўлчами имкон берса, аввалдан майдаланмасдан бутунлигича олиб ташланади⁸. Дистанцион литотрипсия билан солиштирганда, сийдик найи тошини эндоскопик йўл билан олиб ташлашнинг салбий томони унинг инвазивлигидир, аралашувдан кейин кўп ҳолларда сийдик найини стентлаш зарурати ёки перкутан ёндашув бўлганда нефростомик дренажни қолдириш, бу аралашувнинг инвазивлигини янада оширади, беморнинг ҳаёт сифатини

⁵Lopez-Acon, J.D., et al. Analysis of the Efficacy and Safety of Increasing the Energy Dose Applied Per Session by Increasing the Number of Shock Waves in Extracorporeal Lithotripsy: A Prospective and Comparative Study. J Endourol, 2017. 31: 1289. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/29048206>

⁶Акилов Ф.А., Гиясов Ш.И., Рузибаев А.Р. Экстракорпоральная ударно-волновая литотрипсия: эволюция, показания, противопоказания и осложнения. Вестник экстренной медицины, 2022, том 15, №2. С.79-83.

⁷Zumstein V, Betschart P, Abt D, Schmid HP, Panje CM, Putora PM. Surgical management of urolithiasis - a systematic analysis of available guidelines. BMC Urol. 2018 Apr 10;18(1):25. doi: 10.1186/s12894-018-0332-9.

⁸McKay A, Somani BK, Pietropaolo A, Geraghty R, Whitehurst L, Kyriakides R, Aboumarzouk OM. Comparison of Primary and Delayed Ureterscopy for Ureteric Stones: A Prospective Non-Randomized Comparative Study. Urol Int. 2021;105(1-2):90-94. doi: 10.1159/000510213.

ёмонлаштиради ва бошқа асоратларни ривожланишига олиб келади, кўпинча сийдик йўллари инфекциясига (СЙИ). Бунда, УРС амалиётидан кейинги асоратларнинг умумий даражаси 9-25% ни ташкил этади. Эндоскопик усул ва ЭЗТЛ бўйича сийдик тошини тўлиқ олиб ташлаш кўрсаткичларини қиёслаш мумкиндек кўринади, аммо тошнинг каттароқ ўлчамларида уретероскопия даволашни эртароқ яқунлаш имконини беради⁹. УРС сийдик найи тошларида самарали бўлса-да, амалиётда асоратларнинг юқори хавфи мавжуд. Эндоурологиянинг замонавий даврида УРС асоратлари учраш частотаси сезиларли даражада камайди. Уролитиаз бўйича ишчи гуруҳ сийдик найи тошдан ҳалос этишда, ЭЗТЛ билан солиштирганда эндоскопик усулнинг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш учун тизимли текширув ўтказди¹⁰. УРСдан сўнг, такрорий муолажалар ва бошқа даволаш усулларига ўтиш даражаси пастроқ, аммо қўшимча аралашувлар ва асоратлар частотаси, шунингдек, касалхонага ётқизиш давомийлиги юқорироқ. УРС ёрдамида тошни олиб ташлашнинг юқорироқ кўрсаткичларига таққослаганда, ЭЗТЛ муолажаси паст травматизм даражасига эга. Адабиёт маълумотларининг мета-таҳлилига асосланиб, уролитиаз бўйича ишчи гуруҳ (ЕУА) сийдик найи тошларини жарроҳлик йўли билан даволаш алгоритмининг таклиф қилдилар, бу ерда конкрементларнинг проксимал ва дистал қисмларда жойлашган ҳолатида, > 10 мм бўлган ўлчамларда ЭЗТЛ-дан кўра, УРС-га устунлик берилган, < 10 мм бўлган ўлчамларда эса уретероскопияга қараганда, ЭЗТЛ-га устунлик берилган¹¹.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, сийдик найи тошларини икки хил замонавий усул билан даволаш бўйича маълумотлар орасида Европа урологлар ассоциацияси томонидан, тошни ўлчамига асосланган даволаш алгоритми таклиф қилинган бўлиб, маълум бир беморда қолдиқ тошни олиб ташлаш учун қўшимча муолажа ўтказишнинг олдини олиш, шунингдек, учраши мумкин бўлган асоратларни бартараф этишда, урологлар учун индивидуал усулни танлашни оптималлаштириш бўйича катта қийинчиликларни туғдиради. Шу сабабдан, жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш учун ҳар бир ҳолатда индивидуал ёндашув тактикасини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-201709076-сон “Замонавий минимал инвазив технологиялардан фойдаланган ҳолда энг кенг тарқалган урологик

⁹Prattley S, Rice P, Pietropaolo A, Geraghty R, Babawale O, Somani BK. Predictors and Results of Negative Ureterscopy for Treatment of Consecutive Ureteric Stones Done as a Primary Procedure: Prospective Outcomes from a University Hospital. *Urol Int.* 2019;103(2):143-148. doi: 10.1159/000501658.

¹⁰Drake, T., et al. What are the Benefits and Harms of Ureterscopy Compared with Shock-wave Lithotripsy in the Treatment of Upper Ureteral Stones? A Systematic Review. *Eur Urol*, 2017. 72: 772. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28456350>

¹¹Европа Урологлар Ассоциациясининг тавсиялари 2022, 2023 йиллар.

касалликлар диагностикаси ва даволашини оптималлаштириш” лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 й.).

Тадқиқотнинг мақсади тошни ноинвазив масофавий майдалаш технологиясидан ҳамда каминвазив эндоскопиядан фойдаланишни оптималлаштириш орқали сийдик найи тошларини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сийдик найи тошларида ЭЗТЛ амалиётини қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш, даволаш натижаларига таъсир қилувчи салбий омилларни аниқлаш;

экстракорпорал зарба-тўлқинли уретеролитотрипсияда бемор қабул қилган нурланиш дозасининг ўртача даражасини баҳолаш ва унинг ортишига олиб келувчи салбий омилларни аниқлаш;

сийдик найи тоши/ларида трансуретрал ва перкутан эндоскопик аралашувлар самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш ва даволаш натижаларига таъсир қилувчи салбий омилларни аниқлаш;

сийдик найи тоши/ларида трансуретрал ва перкутан эндоскопик аралашувларда бемор қабул қилган нурланиш дозасининг ўртача даражасини баҳолаш ва унинг ортишига олиб келувчи салбий омилларни аниқлаш;

уретеролитиазни даволашда ноинвазив ЭЗТЛ ва кам инвазив эндоскопик аралашувларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини қиёсий баҳолаш орқали сийдик найи тошларини хирургик даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020 йилнинг июль ойидан 2023 йилнинг апрель ойигача бўлган даврда “РИУИАТМ” Давлат муассасасида сийдик найи тоши туфайли кўриқдан ўтказилган ва даволанган 186 нафар (84 нафарида ЭЗТЛ ва 102 нафарида тошларни эндоскопик йўл билан олиб ташлаш амалиётлари ўтказилган) беморларнинг даволаш натижалари таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг предмети сийдик найи тоши билан касалланган беморларни даволашнинг икки хил хирургик усуллари – экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсия ҳамда трансуретрал ёки перкутан кириш орқали эндоскопик аралашувлар натижаларининг қиёсий таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уретеролитиазда масофавий литотрипсиянинг самарадорлигига таъсир қилувчи салбий омиллар - тошнинг ўлчами ва зичлиги эканлиги, эндоскопик аралашувларда эса, тошнинг ўлчами, кўп сонлиги ва сийдик найининг проксимал қисмида жойлашуви эканлиги аниқланган;

сийдик найи тошларида экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсияни амалга оширишдан аввал тошлар зичлигини аниқлашнинг клиник аҳамияти аниқланган ва унинг максимал чегараси 1000 НУ га тенглиги ва ундан юқори

бўлган зичликда ушбу усулни қўллаш самарадорлиги сезиларли даражада пасайиши аниқланган;

сийдик найидаги ўлчами 5 мм гача бўлган, шунингдек зичлиги 1000 НУ дан ошмайдиган 6-16 мм ўлчамдаги тошларда экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсияни қўллаш эндоскопик аралашувлар билан таққослаш мумкин бўлган самарадорлик ва хавфсизликни таъминлаши исботланган;

уретероскопияда ионлашган нурланишни ютилиш дозаси экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсия қўлланилганга қараганда юқорироқ эканлиги ва тошнинг ўлчами, зичлиги ва беморнинг тана вазни индексига мутаносиб равишда ошиб бориши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сийдик найи тошларини даволашда дистанцион литотрипсияни ҳам, эндоскопик усулни ҳам ўзига яраша афзалликлар ва камчиликларга эга эканлиги, даволаш усулини танлашда эса патологиянинг оғирлиги, конкрементнинг анатомик жойлашув хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш кераклиги аниқланган;

умумий жиҳатдан уретеролитиазда, экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсия хавфсизлик нуқтаи назаридан эндоскопик усулдан устун эканлиги, аммо даволаш самарадорлиги ва давомийлиги бўйича иккинчи ўринда туриши аниқланган;

сийдик найи тошининг зичлиги контактли эндоскопик литотрипсия натижаларига таъсир қилмаслиги, масофавий литотрипсия натижаларига эса сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган;

сийдик найи тошининг ўлчами 5 мм дан кам бўлган ва унинг мустақил чиқиш эҳтимоли мавжуд бўлмаганида, шунингдек, ўлчами 6 дан 16 мм гача, зичлиги 1000 НУ дан кам бўлганда, даволашни танлаш усули экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсияни бажариш эканлиги аниқланган;

тошнинг ўлчами, зичлиги ва локализацияси каби хавф омилларини интеграциялаш орқали сийдик найи тошларини хирургик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги даволаш самарадорлигининг объектив мезонларидан, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувларнинг тўғри қўлланилганлиги, ва статистик ишлов эса олинган натижаларнинг аҳамиятини тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, хулосалар ва таклифлар сийдик найи тошларидан ҳалос қилишда, доимо беморнинг хавфсизлигига таъсир қилувчи, ионлаштирилган нурланишининг маълум дозаси, шунингдек, даволаш самарадорлигига таъсир қилувчи бошқа омиллар ва мавжуд хирургик усуллар ҳақидаги назарий тушунчаларни сезиларли даражада кенгайтиришга, шу билан бирга оптимал вариантни танлаш нуқтаи назаридан тошларнинг зичлигини аниқлашнинг клиник аҳамияти очиқлаб беришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқот беморнинг тана вазни индексини, тошнинг ўлчамини, НУ бўйича зичлигини ва унинг сийдик найида жойлашувини ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги ва клиник аҳамиятини асослашга, бу эса турли хил хирургик усулларнинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш ва даволаш усулини танлашда персоналлаштирилган ёндашувни оптималлаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ Эксперт кенгашининг 2024-йил 6 майдаги 06-05-010-сонли хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ нинг 2024 йил 6-майдаги 207-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: уретеролитиазда масофавий литотрипсиянинг самарадорлигига таъсир қилувчи салбий омиллар - тошнинг ўлчами ва зичлиги эканлиги, эндоскопик аралашувларда эса, тошнинг ўлчами, кўп сонлилиги ва сийдик найининг проксимал қисмида жойлашуви эканлиги аниқлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №31/І) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жорий қилинган тадқиқот натижалари, сийдик найида тош бўлган беморларда ноинвазив ва каминвазив жаррохлик усулида даволашдан кейин учрайдиган асоратларни камайишига, бу эса беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини қисқаришига ва ўз кундалик фаолиятларини барвақт давом эттиришларига имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ҳар бир бемор учун экстракорпорал зарба тўлқинли литотрипсиядан кейин қўшимча амалиётлар ўтказилмаслиги, учраши мумкин бўлган асоратлар кўрсаткичи камайиши, беморларнинг шифохонада қолиш муддатини 3,6 кундан 1(0) кунга (3 кунга) қисқарттириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 606.000 сўмга камайиши (РИУИАТМнинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 202.000 сўмни ташкил қилади) ўртача 120.000 сўмлик дори-дармон кам талаб этилиши ҳисобига (1 кунга ўртача 360.000 сўм дори воситалари сарфланади) иқтисодий самарадорликка эришилади. Хулоса: сийдик найи тошларида тошларнинг ўлчами, жойлашуви ва Хаунсфилд (НУ) бўйича зичлигини ҳисобга олган ҳолда даволаш усулларини танлаш, даволаш натижаларини башорат қилиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш ва тиббий самарадорлик ошишига олиб келди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат

муассасаси директори томонидан 06.05.2024 йилдаги 207 сонли хат юборилган;

иккинчи илмий янгилик: сийдик найи тошларида экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсияни амалга оширишдан аввал тошлар зичлигини аниқлашнинг клиник аҳамияти аниқланган ва унинг максимал чегараси 1000 НУ га тенглиги ва ундан юқори бўлган зичликда ушбу усулни қўллаш самарадорлиги сезиларли даражада пасайиши аниқлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №31/Г) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сийдик найи тошларини зичлиги 1000 НУ ва ундан кам бўлганда, экстракорпорал зарба тўлқинли литотрипсия усули юқори самара беради ва ҳар бир бемор учун экстракорпорал зарба тўлқинли литотрипсиядан кейин қўшимча амалиётлар ўтказилмаслиги (ҳар бир нафар бемор учун антерград урограмма 141.600 сўм, сийдик найи стентини олиш 142.800сўм) шифохонада бўлиш даврининг 3 кунга қисқартирилиши шифохонада қолиш тўлов миқдори 606.000 сўм, ўртача 120.000 сўмлик дори-дармон кам талаб этилиши ҳисобига (1 кунга ўртача 360.000 сўм дори воситалари сарфланади) юқори иқтисодий самарадорликка эришилди. Хулоса: сийдик найи тошларида тошларнинг зичлигини аниқлаш даволаш усулларини танлаш, даволаш натижаларини башорат қилиш, иккиламчи касалликларни олдини олиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш ва тиббий самарадорлик ошишига олиб келди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 06.05.2024 йилдаги 207 сонли хат юборилган;

учинчи илмий янгилик: сийдик найидаги ўлчами 5 мм гача бўлган, шунингдек зичлиги 1000 НУ дан ошмайдиган 6-16 мм ўлчамдаги тошларда экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсияни қўллаш эндоскопик аралашувлар билан таққослаш мумкин бўлган самарадорлик ва хавфсизликни таъминлаши исботлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №31/Г) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: зичлиги 1000 НУ дан ошмайдиган 6-16 мм ўлчамдаги сийдик найи тошларида экстракорпорал зарб тўлқинли литотрипсия усули клиник амалиётга жорий этиш сийдик найи тош касаллиги билан хасталанган беморлар ҳолатининг қисқа вақт оралиғида яхшиланишига, асоратларни башорат қилиш ва олдини олишга катта ҳисса қўшди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: шифохонада қолиш муддатини ўртача 3,6 кундан 1(0) кунга (3 кунга) қисқартиртириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 606.000 сўмга (РИУИАТМнинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 202.000

сўмни ташкил қилади) камайтирди. Шифохонада бўлиш даврининг 3 кунга қисқартирилиши ҳисобига 360.000 сўмлик (1 кунга ўртача 202.000 сўм дори воситалари сарфланади) дори-дармон кам талаб этилди. Амалиёлардан кейинги учраши мумкин бўлган асоратлар кўрсаткичи 27% дан 7% камайиб қўшимча амалиётлар ўтказилмаслиги ҳисобига юқори иқтисодий самарадорликка эришилди. Хулоса: ўлчами 5 мм ва ундан кичик, зичлиги 1000 НУ дан ошмайдиган 6-16 мм ўлчамдаги сийдик найи тошларини даволашнинг экстракорпорал зарб тўлқинли литотрипсия усули, эндоскопик усулга таққослаш мумкин бўлиб, самарадорлик ва хавфсизлик жиҳатдан устун туради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 06.05.2024 йилдаги 207 сонли хат юборилган;

тўртинчи илмий янгилик: уретероскопияда ионлашган нурланишни ютилиш дозаси экстракорпорал зарба-тўлқинли литотрипсия қўлланилганга қараганда юқорироқ эканлиги ва тошнинг ўлчами, зичлиги ва беморнинг тана вазни индексига мутаносиб равишда ошиб бориши аниқлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №31/П) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тошларнинг ўлчами, сони, зичлиги ва тана вазни индексини инобатга олган ҳолда, даволаш усуллари танлаш, нурланишнинг ютилиш дозасини камайтиришга имкон яратди ва бу беморларнинг соғлиқларига ножўя таъсирлар таъсир кўрсатмасликка олиб келди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сийдик найи тошлари ўлчами 5 мм дан кичик бўлганда экстракорпорал зарб тўлқинли литотрипсия муолажаси пайтида беморга нурланишнинг ютилиш дозасини миқдори энг кам кўрсаткичда эканлиги аниқланди. Тош ўлчамлари ва зичлиги юқори бўлганда, шунингдек, тана вазни индекси юқори бўлган беморларда нурланиш дозасини ютилиш миқдори юқорилиги инобатга олган ҳолда, тошни бир вақтни ўзида Эндоскопик усулда олиниши, дистанцион литотрипсияни самарадорлиги паст бўлиши ҳисобига, амалиётдан кейинги даврда қайта ультратовуш ва радиологик (УТТ текширувлари учун 107.700 сўм, обзор рентгенграмма учун 115.500 сўм МСКТ текшируви 501.600 сўм), дистанцион литотрипсиянинг иккинчи сеанси ва атаралгезия учун 1.175.400 сўм ва даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилади. Хулоса: амалиётларда нурланишни ютилиш дозаси тошнинг ўлчами, зичлиги ва тана вазни индексига мутаносиб равишда ортишини инобатга олиш керак. сийдик найи тоши 5 мм ва ундан кичик, ўлчами 6-16мм зичлиги 1000 НУ ва ундан паст бўлганда экстракорпорал зарб тўлқинли литотрипсия, тошнинг ўлчами 6 мм дан катта, зичлиги 1000 НУ дан юқори бўлганда эндоскопик амалиётлар авфзаллиги маълум бўлди. Илмий

янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 06.05.2024 йилдаги 207 сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матнининг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Уретеролитиазни каминвазив ва ноинвазив даволашнинг замонавий жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, СТК эпидемиологияси ва диагностикаси, шунингдек, дистанцион литотрипсия билан ретроград ва антеград ёндашиш орқали контактли эндоскопик жарроҳлик каби сийдик найи тошларини даволашнинг икки усули хусусиятлари бўйича замонавий маълумотлар таҳлили келтирилган. Сийдик найи тошларини даволашнинг ҳар бир усулининг ижобий ва салбий томонлари аниқланган ва кейинги тадқиқотлар зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот услубларнинг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида, клиник материалнинг умумий тавсифини ўз ичига олган материаллар ва тадқиқот услублари келтирилган. Сийдик найи тошларида экстракорпорал зарб тўлқинли литотрипсияси ҳамда ретроград ва антеград ёндашиш билан эндоскопик уретеролитотрипсия амалиётларини бажариш техникаси батафсил тавсифланган.

"РИУИАТМ" ДМига, 2020 йил июлдан 2023 йил апрелгача бўлган даврда, сийдик найи тош/ларидан шикоят билан мурожаат қилган 84 нафар беморда ўтказилган экстракорпорал зарб тўлқинли литотрипсия (ЭЗТЛ) натижалари истикболли ўрганиб чиқилган. ЭЗТЛ муолажасидан аввал 53 (63,1%) нафар беморда тошлар сийдик найининг юқори учдан бирида, 2

(2,4%) нафарида – ўрта қисмида, 29 (34,5%) нафарида – қуйи қисмида жойлашган эди. Беморларнинг ёши $41,74 \pm 15,28$ (9-81 ёш), тошлар ўлчами $8,54 \pm 2,79$ (4-16 мм), НУ (Хаунсфилд) бўйича зичлиги $855 \pm 319,84$ (200-1580 НУ)ни ташкил этган.

Атаралгезия остида Storz Modulith SLX-F2 (Швейцария) аппарати билан электромагнитли литотрипсия бажарилган. Тошга нисбатан зарбалар сони ўртача $2436 \pm 247,78$ ни ташкил этган, амалиёт давомийлиги ўртача $19,37 \pm 1,86$ (дак.) бўлган.

Иккинчи гуруҳда, худди шу давр мобайнида сийдик найи тошлари билан ҳасталанган ва "РИУИАТМ" ДМига мурожаат қилган 102 беморда ўтказилган эндоскопик уретеролитотрипсия натижалари ўрганилган. Эндоскопик аралашувдан аввал тошлар 52 (51,0%) нафар беморда – сийдик найининг юқори учдан бирида, 23 (22,5%) нафарида – ўрта учдан бирида, 27 (26,5%) нафарида – қуйи учдан бирида жойлашган эди. Беморларнинг ёши ўртача $44,60 \pm 14,31$ (12-81 ёш), тошлар ўлчами $11,46 \pm 4,26$ (5-26 мм), НУ (Хаунсфилд) бўйича тошлар зичлиги $943,78 \pm 319,48$ (143-1470 НУ)ни ташкил этган.

49 (48,0%) нафар беморда сийдик найи тошлари трансуретрал кириш йўли билан ретроград, 49 (48,0%) нафарида – перкутан кириш билан антеград, 4 (4,0%) нафарида - ретроград ва антеград ёндашиш йўли билан олиб ташланган.

Аралашувлар ОМА (орқа мия анестезияси) фонида амалга оширилган, тошни майдалаш 29 (28,4%) беморда Гольмий лазери ёрдамида, 56 (54,9%) нафарида пневматик литотрипсия билан, 1 (0,98%) нафарида – пневматик + лазер ёрдамида амалга оширилган.

Эндоскопик аралашувлар гуруҳида 21 (20,6%) нафар беморда илгари ўрнатилган нефростомик дренажлари, 5 (4,9%) нафарида уретерал стентлар мавжуд эди.

Ҳар бир гуруҳдаги беморларни даволаш самарадорлиги қуйидагича баҳоланган: тошлардан тўлиқ халос бўлиш индексининг частотаси ва вақти (SFR – Stone Free Rate); SFR кўрсаткичининг тош ўлчамига, локализациясига, НУ бўйича зичлигига, бемор тана вазни индексига боғлиқлиги; операция пайти ва операциядан кейинги асоратларнинг частотаси ва оғирлиги; беморнинг ионлаштирувчи нурланишнинг ютилиш дозаси миқдори.

ЭЗТЛ дан кейин мустақил равишда ажралиб тушган тош бўлаклари ва эндоскопик аралашувлар пайтида олиб ташланган бўлақлар, тошнинг таркиби ва тош ҳосил бўлиш турини аниқлаш учун "ФСМ 2201 ИҚ Фурье-спектрометр" аппаратида инфрақизил спектроскопия ёрдамида таҳлил қилинган.

Беморлар бўйича маълумотлар касалликлар тарихидан компютерга киритилди ва "IBM SPSS Statistics v23" дастурий таъминот комплекси ёрдамида, Стюдент-Фишер мезонларидан фойдаланган ҳолда материалнинг статистик қайта ишлови амалга оширилган. Сифат бўйича кўрсаткичлар учун Хи квадрат тести ишлатилган. Кўрсаткичлардаги фарқлар $p < 0.05$ аҳамиятлилик даражаси бўйича ишончли деб ҳисобланиши белгиланган.

Диссертациянинг «ЭЗТЛ ва эндоскопик аралашувлар натижалари» деб номланган учинчи бобида сийдик найи тошлари аниқланган беморларни икки хил усул билан даволашнинг натижалари тавсифланган.

Сийдик найи тошларининг экстракорпорал зарб тўлқинли литотрипсияси самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЭЗТЛ сессиясидан 10 кун ўтгач, SFR индекси 64 (76,2%) ни ташкил этган. Шу билан бирга, дастлабки ўлчами 6 мм ва ундан юъори бўлган тошларни майдалашда, резидуал тошлар қолганлаги аниқланган. 20 та қолдиқ тошнинг дастлабки зичлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 7 (35,0%) тошнинг зичлиги 1000 НУ дан кам, 13 (65,0%) - 1001 НУ дан ортиқ бўлган. (1-жадвал)

Сўнгра, ЭЗТЛ натижаларини тошларнинг зичлигини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилдик, 84 беморни тош зичлиги бўйича 500 НУ, 501-1000 НУ, 1001 ва ундан юқори НУ бўлган тош зичлиги бўйича ажратдик. (2-жадвал)

1-жадвал

Тошларнинг ўлчами ва резидуал тошлар частотасига қараб, зарбалар сонини қиёсий баҳолаш жадвали.

Кичик гуруҳлар	Тошлар ўлчамлари	Зарбалар сони, $M \pm m$ (мин-макс)	Резид.тошлар частотаси, n (%)
1	≤ 5 mm n=9	2294,44 \pm 67,93 (2000 - 2600)	0
2	6-10 mm n=57	2425,44 \pm 22,52 (1900 - 3300)	10 (17,5%)
3	11-16 mm n=18	2544,44 \pm 50,47 (2200 - 2800)	10 (55,6%)

Ҳар бир тошга тўғри келадиган зарбалар сони бўйича Стъюдентнинг “Т” мезонига кўра, барча кичик гуруҳлар ўртасида $P > 0,05$.

Пирсоннинг “ χ^2 ” мезонига кўра, резидуал тошлар частотаси бўйича 6-10 мм ва 11-16 мм гуруҳлари ўртасида $P < 0,01$.

2-жадвал

Тошларнинг зичлигига қараб, резидуал тошлар частотаси ва зарбалар сонининг таҳлили

Кичик гуруҳлар	Тошлар зичлиги	Зарбалар сони, $M \pm m$ (мин-макс)	Резидуал тошлар частотаси, n (%)
1	≤ 500 НУ n=14 (16,7%)	2325,0 \pm 60,39 (1900 - 2800)	2 (14,3%)
2	501-1000 НУ n=41 (48,8%)	2340,24 \pm 27,51 (2000 - 2700)	5 (12,2%)
3	1001 ва ундан юқори n=29 (34,5%)	2627,59 \pm 44,08 (2250 - 3300)	13 (44,8%)

Зарбалар сони бўйича Стъюдентнинг “Т” мезонига кўра: 1 ва 2 гуруҳлар ўртасида $P > 0,05$; 1 ва 3, 2 ва 3 гуруҳлари ўртасида $P < 0,01$.

Пирсоннинг резидуал тошлар частотаси бўйича “ χ^2 ” мезонига кўра: 1 ва 2 гуруҳлар ўртасида $P = 0,07$, 2 ва 3, 1 ва 3 гуруҳлар ўртасида $P < 0,05$.

Ушбу ўтказилган таҳлил, тошнинг зичлиги уни майдалашдаги натижага сезиларли таъсир қилишини кўрсатди. Ушбу жадвал бизга, зичлиги 1000 НУ гача бўлган тошларни майдалаш самарадорлиги кичик гуруҳлар ичида ўхшашлиги, аммо тош зичлигининг 1000 НУ дан ошиши билан, натижалар сезиларли даражада фарқ қила бошлаши ҳақида аниқ ва муҳим қўшимча хулосага келишимизга имкон берди. Шу сабабдан, тош зичлиги бўйича олган маълумотларимизга асосланиб, биз энди беморларни тош зичлиги 1000 НУ дан кам ва 1001 НУ дан ортиқ бўлган иккита катта гуруҳларга бўлишимиз ва олинган маълумотларни таҳлил қилишимиз мумкин. (3-жадвал)

Тошларнинг зичлигига қараб, зарбалар сони ва резидуал тошларнинг частотаси таҳлили

Кичик гуруҳлар	Тошлар зичлиги	Зарбалар сони, $M \pm m$ (мин-макс)	Резидуал тошлар частотаси, n (%)
1	≤ 1000 HU n=55 65,5%)	2336,36 \pm 25,34 (1900 - 2800)	7 (12,7%)
2	1001 va undan yuqori n=29 (34,5%)	2627,59 \pm 44,08 (2250 - 3300)	13 (44,8%)

Зарбалар сони бўйича Студентнинг “Т” мезонига кўра, гуруҳлар ўртасидаги фарк $P < 0,01$. Пирсоннинг резидуал тош частотаси бўйича “ χ^2 ” мезонига кўра, гуруҳлар ўртасидаги фарк $P < 0,05$.

Таҳлил шуни кўрсатдики, кам вазнли, нормал вазнли, ортикча вазнли ва 1 ва 2-даражали семириш касаллиги бўлган беморларда, шунингдек, баъзи беморларда дастлабки косача-жом тизими ва сийдик найи кенгайишининг мавжудлиги ёки унинг йўқлиги сийдик найи тошларини майдалаш самарадорлигига таъсир қилмаган.

Ўтказилган таҳлилга кўра, сийдик найи тоши бўйича ЭЗТЛ амалга оширилганидан сўнг, 84 бемордан 9 нафариди (10,7%) буйрак санчиғи ривожланган, бир нафар беморда тошлар йўлакчаси пайдо бўлган. (4-жадвал).

Бу асоратларнинг барчаси резидуал тошлар мавжудлиги билан боғлиқ эди. Бироқ, резидуал тошлари бўлган барча беморларда (n=20) ҳам бу асоратлар ривожланмаган. Шуни таъкидлаш керакки, тош зичлиги 1000 HU дан кам бўлган 7 нафар беморда, ҳамда тош зичлиги 1001 ва ундан юқори бўлган 1 нафар беморда, 20 кунгача консерватив терапия фониди тошларнинг қолдиқ бўлаклари ҳам чиқиб кетган ва бир сеансдан кейинги SFR кўрсаткичи 72 (85,7%) ни ташкил қилган.

Муолажадан кейинги асоратларни уларнинг характериға қараб тақсимланиши, n=84

Асоратлар характери	Асоратлар сони
Резидуал тошлар	20 (23,8 %)
Буйрак коликаси	9 (10,7%)
Тошлар тизилмаси	1 (1,2%)

Конкрементнинг дастлабки ўлчамига қараб амалиётдан кейинги асоратларнинг частотасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тошнинг ўлчамлари муҳим аҳамиятга эга ва тош ўлчамининг ошиши билан, тош ўлчами 6-10 мм бўлган беморлар гуруҳида, буйрак санчиғи кўринишидаги амалиётдан кейинги асоратларнинг частотаси 10,5% дан бошлаб, тошнинг ўлчами 11-16 мм бўлган беморлар гуруҳида эса 22,2% гача ортиб борган.

Муолажадан кейинги асоратларни бартараф этиш учун бир қатор беморларда кўшимча аралашувлар ёки консерватив терапияси ўтказилган. Натижада, 84 бемордан 8 (9,5%) нафари муолажадан кейинги даврда

қўшимча консерватив терапияси ўтказилган. Беморларнинг 12 нафариди қўшимча аралашувлар ўтказилган. (5–жадвал)

5-жадвал

Қўшимча муолажалар частотасининг тақсимланиши, n=84

Қўшимча муолажалар	n (%)
Литолитик (дори терапияси)	8 (9,5%)
Такрорий ЭЗТЛ	3 (3,6%)
Тошни ТУ кириш орқали эндоскопик олиб ташлаш	4 (4,8%)
Тошни ПК кириш орқали эндоскопик олиб ташлаш	5 (6,0%)

84 нафар беморнинг ўртача нурланиш дозаси $18,73 \pm 4,15$ (6 - 28) мГр (mGy)га тенг деб аниқланган. Кўрсаткични тошнинг зичлигига қараб ўрганиш натижасида, $P > 0,05$ қийматига сезиларли таъсири бўлмагани, ҳамда, тош ўлчами 5 мм дан кам бўлган беморларда, ионлаштирувчи нурланиш дозаси $P > 0,05$ дан анча паст бўлган, беморнинг тана вазни индекси ортиши билан нурланиш дозаси ҳам сезиларли даражада ошиб борганлиги аниқланган. Нормал вазндан пастроқ $< 18,5$ тана вазни индексидаги ва нормал $\geq 18,5 \leq 25$ вазндаги беморларда кўрсаткич $14,63 \pm 3,37$ (мГр)ни ташкил этган, ортиқча вазн ва 1-2 босқич семизлик касаллиги бор $\geq 25 \leq 40$ беморларда эса кўрсаткич $20,28 \pm 3,29$ (мГр)ни ташкил қилган, $P < 0,001$.

Сўнгра, 102 беморда сийдик найи тошларини эндоскопик олиб ташлаш натижалари ўрганилган. Аралашувдан аввал 21 (20,6%) нафар беморда фаол яллиғланиш ва/ёки буйрак функциясининг бузилиши фониди СЙ инфекцияси туфайли аввал ўрнатилган нефростомик дренажлари, 5 (4,9%) нафариди эса сийдик найи стентлари бўлган. Тошни олиб ташлаш мақсадида уни майдалаш (литотрипсия) 86 (84,3%) нафар беморда, 16 (15,7%) нафар беморда эса тошни бутунлигича олиб ташлаш (литоекстракция) муолажалари ўтказилган. Тошларни майдалаш учун гольмий лазери ва пневматика ишлатилган.

Беморларни даволаш самарадорлиги тошни олиб ташлашнинг тўлиқлиги, операция пайтидаги ва операциядан кейинги асоратларнинг частотаси ва оғирлиги бўйича баҳоланди.

